ШИРКАТНИНГ ИБРАТЛИ ФАОЛИЯТИ — 2-бет

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА — 3-бет

ШАҲРИМИЗДА ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ БЕЛЛАШМОҚДА — 4-5 бетлар



ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША ЖАЗОЛАНИШДИ — 8-бет

СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 187 (9.990) / 2003 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети юридик факультети талабалари ҳамда Самарқанд Давлат университетининг юридик факультети талабалари «Сиз қонунни биласизми?» мавзуидаги беллашувда ўз билимларини синаб кўришди.

• **БУГУН** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида замонавий типдаги ёпиқ сув ҳавзаси ва тренажёр залининг очилиш маросими бўлиб ўтади. Унда университет факультетлариаро олти спорт тури бўйича мусобақалар уюштирилди.

• **КЕЧА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш масалалари бўйича Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи томонидан семинар-йиғилиш ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



**Бир ярим йилдан бери фаолият юритаётган «Шайхонтохур текстиль» қўшма корхонаси Туркия билан ҳамкорликда тузилган бўлиб, пахта толасидан тўқилган эркаклар, аёллар ва болалар трикотаж устки кийимларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонанинг деярли 90 фоиз маҳсулотлари қўшни давлатлар ҳамда АҚШга экспорт қилинади.**

**СУРАТДА: корхонанинг моҳир тикувчилари Нафиса Ҳошимова, Маъмура Пўлатова, Ширин Зоитова.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ТИНЧЛИК ҚЎНҒИРОҒИ ЖАРАНГЛАДИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг минтақамизда, қолаверса, бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш борасида изчиллик билан илгари суриб келаётган ташаббуслари жаҳон жамоатчилигининг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Мамлакатимиз тинчликпарвар давлат сифатида ном қозонган.**

Пойтахтимизнинг Бобур номидаги боғига ўрнатилган «Тинчлик қўнғироғи»ни чалиш маросимида шу хусусда сўз юритилди.

«Тинчлик қўнғироғи» мажмуи шу йилнинг апрель ойида, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўрнатилган эди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2003 йил 19 сентябрни жаҳонда «Тинчлик қўнғироғи» янграйдиган кун деб белгилаган. Айни шу вақтда Япония, Польша, Канада, Бразилия, Туркия, Германия, Австралия каби давлатларда қўнғироқ бонг уриб, инсониятни 1945 йилда Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида содир этилган атом фожеасини такрорламасликка чорлайди. Унинг бу галги садоси халқларни дўстлик, биродарлик, ўзаро ҳамжиҳатлик, хотиржамлик ва бунёдкорликка даъват этувчи ўзига хос тилак ўлароқ янгради.

Тадбирда Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши раиси Н.Иброҳимов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

## ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ташаббуси билан бошланган «Севимли шаҳрим» тадбири бугунги пойтахтимиздаги барча мактаблар, ўрта махсус ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларию маҳаллаларда қизғин давом этмоқда.**

Ушбу тадбир доирасида ўтаётган «Пойтахт бизнинг нигоҳимизда» фототанловига «Қўҳна Тошкент», «Миллий қадриятлар», «Истиқлол нашидалари» каби йўналишлардаги ижодий ишлар қабул қилиняпти. «Тошкент - гуллар шаҳри» танловига кўрик иштирокчиларининг ўзлари яратган гулзор ва манзарали ўсимликлар фотосуратлари, видеотасмалари юборилмоқда. «Дилимдасан, пойтахтим!» ижрочилар кўрик-танловига профессионаллар билан бирга ҳаваскорлар ҳам қўшиқлар тақдим этмоқда.

Танлов ғолиблари умумхалқ байрамимиз - Конституция куни арафасида эълон қилинади.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

**БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТАДИ**

Тошкент теннис марказида Осиё чемпионати мусобақаларининг саралаш учрашувлари бошланди. Унда Осиёнинг йигирмага яқин мамлакатидан 64 спортчи иштирок этмоқда.

Теннис мамлакатига айланиб улгурган юртимизда иккинчи марта ўтказилаётган ушбу нуфузли турнир иштирокчилари қитъа ғолиблиги учун курашмоқда. Ушбу Осиё чемпионатида эркаклар ва аёллар ўртасидаги баҳсларда ғолиб чиққан ракетка усталари келаси йилнинг январь ойида ўтказиладиган «Улкан тож» туркумига кирувчи энг нуфузли тўрт мусобақадан бири - Австралия Очиқ чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берадиган «Wild card»га эга бўлади. Бу ўз навбатида чемпионатнинг кескин ва муросасиз кечишини таъминлайди.

Илк беллашувлар ҳамюртларимиздан В.Узоқов ва М.Иноятовга анча омадли кечди. Иқтидорли теннисчимиз В.Узоқов нуфузли мусобақада илк маротаба қатнашаётган бўлса-да, хитойлик тажрибали ракетка устаси Йин Ксюни 6:1, 6:4 ҳисобида доғда қолдириб, кейинги босқичга ўтди. М.Иноятов эса ҳиндистонлик Сунил Кумар Сипая устидан 6:3, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди.

Яна бир вакилимиз Денис Исаевга бироз тажриба етишмади чоғи.

У индонезиялик моҳир теннисчи Феби Видиянтога 6:2, 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Қувайтлик Муҳаммад Ал-Ғариб Малайзиядан келган теннисчи Моҳд Нор Нординни 6:2, 6:2 ҳисобида осонгина мағлуб этди. Шунингдек, вьетнамлик Минх Куан До қирғизистонлик Борис Баичоровдан 6:3, 6:0 ҳисобида устун келди.

Аёллар ўртасидаги баҳслар ҳам қизиқарли ўтмоқда. Қозоғистонлик Ю.Резникова таиландлик Ч.Зимжапога қарши кечган учрашувда, эски жароҳати безовта қилгани боис мусобақани муддатидан олдин тарк этди. Индонезиялик В.Савондари вьетнамлик З.Транни 6:3, 6:1 ҳисобида енгди.

Шу кунги яна икки мусобақада ҳамюртларимиз ўзаро баҳслашди. Айниқса, И.Ситжемилева ҳамда В.Экшибарова ўртасидаги баҳс анча қизиқарли ва муросасиз бўлди. Учрашувда омад В.Экшибаровага кулиб боқди - 4:6, 6:2, 6:3. Е.Арутюнова эса Н.Раҳмоновани 6:3, 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

**ЎзА**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Мамлакатимизга ташриф буюрган Польша Республикаси Сейминин (парламентининг) Польша-Ўзбекистон парламент гуруҳи раиси Элхбета Радзишевска раҳбарлигидаги делегация аъзолари кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Владимир Норов билан учрашди.**

**• Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида тадбиркорлар учун семинар бўлиб ўтди.**

**• Андижонга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) мониторинг гуруҳи ташриф буюрди.**

**• «Глобал Тиин Чалленж» халқаро инсонпарварлик ташкилоти Қизил Ярим ой жамияти Тошкент вилоят бўлими билан ҳамкорликда Қуйичирчиқ туманининг Алишер Навоий номли ширкат хўжалигида ўз марказини ташкил этди.**

**• Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги «Валиобод» фермер хўжалиги давлатга 26 тонна пахта топшириб, вилоятда биринчилардан бўлиб шартнома-режани бажарди.**

**• Амударё тумани пахтакорлари Қорақалпоғистонда биринчилардан бўлиб пахта теримини бошлашди. Улар 32 минг 500 тонна хирмон уйиш мақсадида меҳнат қилмоқдалар.**

**• Тошкентдаги «Реле ва автоматика» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва Ярославлнинг «АВС ИМПЭКС» масъулияти чекланган жамияти ўзаро фойдали битим тузишди. Россиялик инвестор корхонанинг 300 минг долларлик акцияларини сотиб олди.**

### Жаҳонда

**• Франция ва Буюк Британия самолётсозларининг катта ютуғи ҳисобланган товушдан тез учувчи «Конкорд» йўловчи самолёти 23 октябрь куни ўзининг охирги парвозини амалга оширади. Сўнгра у самолётсозлар музейидан ўрин олади.**

**• Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида кучли портлаш рўй берди. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина қурбонлар бўлгани йўқ.**

**• Замбияда паромнинг тўнтарилиб кетиши натижасида 18 киши сувга чўкиб кетди.**

**• Испаниянинг Сан-Себастьян шаҳрида 51-халқаро кинофестиваль ўз ишини бошлади. Ушбу улкан кино анжумани 28 сентябрга қадар давом этади.**

**• Монако қироллиги маликаси Стефания цирк устаси португалиялик Аданс Лопес Пересга турмушга чиқди.**

*Қурилиш*

## САВДО РАСТАЛАРИ

**Буюк Турон кўчасида қад ростлаётган замонавий савдо расталари ҳам сотувчи, ҳам харидорлар учун қулайлик яратади.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмаси асосида тикланаётган савдо расталари 36 тани ташкил этиб, 3 та бўлимдан иборат бўлади. Айни пайтда «Сувқурилиш» трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари расталарни тиклаш ишларини муваффақиятли бажаришмоқда.

— Растани қуришни бошлаганимизга эндигина бир ой бўлди, — дейди ишбоши Мурoджон Алиев. — Лекин қурувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари эвазига анча юмушларни бажариб қўйдик. Бу борада Толиб Холиқов раҳбарлигидаги ғишт терувчилар бригадаси қурувчилари ғайрат кўрсатишмоқда. Албатта, ушбу замонавий, барча қулайликларга эга бўлган савдо шохобчаларини тез кунларда қуриб битказишга аҳд қилганмиз. Бунинг учун эса вақтдан унумли фойдаланиб, лойиҳада кўзда тутилган ишларни сифатли адо этаяпмиз. Ишонаманки, ваъдамизни бажариб, сотувчи ва харидорларни мамнун этамиз.

## ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

**«Файз-холдинг» компанияси корхоналарида тайёрланаётган мебель маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариш учун керакли бўлган сифатли хом ашёлар нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам ўз харидорларига эгалиги билан ажралиб туради.**

Чиндан ҳам кейинги йилларда «Файз» мебеллари хонадонлар, офис ва идоралар, мактаб, лицей ва коллежларга файз бағишламоқда. Шуниси эътиборлики, холдинг-компанияга қарашли 30 та корхонада бугунга келиб маҳсулотлар тури 500 хилдан ҳам ортиб кетди. Айниқса, компания тасарруфидаги 9 та қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлиги, хорижникидан асло қолишмаслиги билан ажралиб турди.

Шунингдек, қўшни давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида «Файзли чинор», Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида «Файз-жиҳоз» қўшма корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларда «Файз» ламинатлари асосида мебеллар ишлаб чиқарилиб, харидорларга тортиқ этилмоқда. Ўтган йилда бош корхонада «Камола», «Зуҳра» деб номланган ошхона, «Ором», «Ромитон» сингари ётоқхона мебеллари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда уларнинг янги турлари устида иш олиб борилмоқда.

Шу ўринда компания экспорт салоҳиятининг ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ўтган йилда экспорт ҳажми 165 фоизга ўсди. Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларга экспорт қилинаётган мебеллар рақобатдошлиги билан ажралиб туради. Жорий йилда эса 1 миллион 200 минг долларликдан зиёд маҳсулот экспортини йўлга қўйиш режаланган. Бу 2001 йилга нисбатан 2 баравар кўпдир.

**Дилноза ҒИЁСОВА.**

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИ САЙЁҲЛИГИ

**Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда «Ўзбекистонда сайёҳлик хизматларини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилади. Тадбирни Тошкент давлат иқтисодиёт университети уюштирмоқда.**

— Анжуманда Ўзбекистондаги халқаро ва миллий сайёҳликни ривожлантиришга масъул ҳукумат тузилмалари, ҳомий халқаро ташкилотлар, Олий Мажлис ҳузуридаги Мониторинг институти мутахассислари, шунингдек оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этади, — деди ТошДИУ халқаро сайёҳлик факультетининг декани Муҳаммадбек Эрматов «Туркистон-пресс» мухбирига. – Бундан ташқари, анжуманга сайёҳлик фирмалари, сайёҳларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган ноҳукумат ташкилотлари ҳам таклиф этилади.

Анжуманнинг ўтказилиши туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларни маркетинг дастурларига киритиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқишга кўмаклашади. Бу мутахассисларни ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсишига омил бўлиши лозим. Пировард-натижада сайёҳлар, валюта оқими ўсади. Меҳмонхона ва транспорт қувватларидан фойдаланиш кучаяди. Аҳолининг иш билан бандлиги таъминланади.

— Бу ерда истиқболлар муҳокама қилиниш билан бирга сайёҳлик соҳасидаги мавжуд муаммолар ҳам кўриб чиқилади, деди ТошДИУ «Сайёҳлик сервиси» кафедраси мудираси Даря Ли. — Салбий ҳолатларни бартараф этиш иқтисодиётнинг мазкур соҳасини мустаҳкамлаб, уни етакчи тармоқлардан бирига айлантириш имконини беради.

Шунингдек анжуманда Ўзбекистондаги сайёҳлик заҳираларидан фойдаланиш, соҳани ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари,кадрлар тайёрлаш, сайёҳликнинг ўзбек моделини ўзига хосликларини аниқлаш масалаларини кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Ташкилотчилар таклиф ва тавсияларни ҳамма учун, айниқса, сайёҳликда давлат сиёсатини шакллантириш билан шуғулланувчилар, сайёҳлик агентликлари ва меҳмонхоналарда ишловчилар, институт ва коллежларда ушбу йўналишда таҳсил олаётганлар, шунингдек «Буюк ипак йўли» глобал сайёҳлик лойиҳаси доирасида Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришни истовчи чет эл компаниялари учун очиқ қилиб қўяди.

**«Туркистон-пресс»**

• ШИРКАТЛАРДА

# Ҳаракат бесамар кетмайди

**Сергели туманидаги «Жаҳонаро гулдаста» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳудудига келганимизда тоза-озода болалар майдончасида болажонларнинг қийқириб ўйнаётганлари устидан чиқдик. Атрофга кўз югуртирганимизда маҳалла ҳудудига ўзгача гўзаллик бахш этган серсоя дарахтларнинг таглари юмшатилган, оқланган, энди бўй чўзаётган ниҳолларга ариқлардан сув берилаётган экан. Ширкат раисини топиш унча қийин бўлмади. Озода опа Мамбетова ўз иш хонасида қишга тайёргарлик ишлари режасининг бажарилиши ҳақидаги маълумотни кўздан кечираётган экан.**

Озода опа бизнинг нима мақсадда келганимизни эшитгач, айни пайтда ширкатда қилинаётган ишлар билан яқиндан таништира бошлади. Опанинг сўзларига кўра туманда биринчилардан бўлиб ташкил этилган «Жаҳонаро гулдаста» уй-жой мулкдорлари ширкати 9 та кўп қаватли уйни бирлаштирган 348 хонадон аъзоларига хизмат кўрсатади. Ширкатда барча ишлар яшовчилар фикр-мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда режа асосида ташкил этилган.

— Айни пайтда 65-70-йилларнинг ертўлаларидаги қувурлар яроқсиз ҳолга келган, — дейди ширкат раиси Озода Мамбетова. — Уларни қайта таъмирлаб бўлмаганлиги боис аҳолидан тўпланган маблағ эвазига 134 метр янги қувурлар сотиб олдик. Яқин кунларда эски қувурлар ўрнига янгилари ўрнатилади ва муаммолар бирмунча камаяди. Шунингдек, жорий йилдаги таъмирлаш ишлари режа асосида олиб борилмоқда. Кўриб турганингиздек, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш мақсадида йўлаклардаги дераза ромлари мустаҳкамланган, ертўла ва том эшиклари ёпилган. Айни кунларда «Бобур» маҳалласи билан биргаликда биринчи навбатда ҳудудимиз озодалиги билан боғлиқ ишларни бажариб, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳалламиз ободлигига эътибор қаратмоқдамиз. Шу билан биргаликда ширкатимизда яшовчи аҳоли ҳамжиҳатлигини таъминлаш асосий ишларимиз сирасига киради.

Қишга тайёргарлик ишларини ҳам пухта бажариб, мавсумни яхши ўтказиш тадоригини кўраяпмиз. Бу борада чилангар, пайвандчи ва бошқа ходимларимиз уюшқоқликда иш олиб боришмоқда. Негаки бугунги саъй-ҳаракатларимиз эртага яшовчиларга қулайлик яратади.

Ширкатнинг келгуси режалари билан танишганимизда, Обод маҳалла йилида маҳаллалар обод бўлишида, муаммоларни уй эгалари билан биргаликда ҳал этишда, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Зеро, ҳамжиҳатликдаги ҳаракат бесамар кетмаслиги аниқ.

**(Ўз мухбиримиз)**

• МАИШИЙ ХИЗМАТ

# МАҚСАДЛАРИ—ГЎЗАЛЛИК

**Бугун барча соҳада бўлгани каби аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатишда ҳам тадбиркорлик билан иш юритаётган, инсонлар гўзаллигини янада оширишга, уларга яхши кайфият бағишлашга интилаётганлар сафи кенгайиб бормокда.**

Нукус кўчасидаги гўзаллик салонининг иш бошлаганига эндигина олти ой бўлсада, лекин унинг мижозлари сафи кенгайиб бораётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир. 8 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган ушбу жамоанинг асосий мақсади— хотин-қизлар ва эркакларга талаблар даражасида хизмат кўрсатиш, мижозларга гўзаллик улашиш, уларнинг олқишига сазовор бўлишдир.

— Салонимизда аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, маникюр ва педикюр хизматлари мавжуд,— дейди бўлим бошлиғи, тадбиркор Илина Умарова.—Ўз мақсадимизни амалга ошириш, яъни юксак сифатли хизматни ташкил этишда ходимларимизнинг ҳиссаси алоҳидадир. Шуниси эътиборлики, салонимизда 5 йилдан ортиқ иш тажрибасига эга бўлган, Россиянинг Москва шаҳрида, Малайзия, Германия ва бошқа давлатларда малакаларини ошириб қайтган соҳа ходимлари ишлашади. Улар нафақат хушмуомалаcи, шунингдек бажарган сифатли ишлари, ўз услубларига эгалиги, бир мунча арзон хизмат ҳақи билан мижозлар сафини кенгайтиришга эришаяпти. Фаолиятимизнинг ўтган даврида бирорта мижозимиз қилган хизматимиздан кўнгли тўлмаган ҳолат бўлмади. Бу биз учун энг яхши баҳо, яхши ишлаш учун интилишга даъват десак бўлади.



Мижозларга хизмат кўрсатишда замонавий ускуналар билан биргаликда, «Велла», «Шварцкоф» хорижий фирмаларидан шартнома асосида келтириладиган ашёлардан унумли фойдаланилади.Салоннинг Лилия Шомансурова, Лада Игонина, Лена Подполина сингари ходимлари ҳар бир мижозга гўзаллик бағишлашда маҳоратларини ишга солишади. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда бамаслаҳат хизмат кўрсатишади.

Келгусида тадбиркорлар мижозлар талаб ва таклифларидан келиб чиқиб уқалаш, косметолог ва татуаш хизматларини ҳам ташкил этишни кўзда тутишмоқда. Ушбу хизматларни ҳам аҳолига манзур этиш, мижозлар сафини янада кенгайтириш жамоа аҳлининг эзгу нияти. Бунинг учун эса улар мустақил диёримизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган муҳим эътибор ва катта имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланишмоқда.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТДА: аёллар сартароши Оксана Беладедова мижозга хизмат кўрсатмоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## «ЯГОНА ФАЗО»

**Ўзбекистон Бадиий академиясида Ўзбекистон — Бритиш Американ Тобако қўшма корхонаси билан «Ягона фазо» мавзуида кўргазма очилди.**

— Кўп йиллардан буён Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, — дейди «ЎзБАТ» қўшма корхонаси корпоратив алоқалар бўлими менежери Бахтиёр Насимов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Биринчи ҳамкорликдаги лойиҳамиз «Аёл қалбида олам тасвири» мавзуида бўлиб, аёллар йилига бағишланган эди. Ундан кейин «АҚШ—Ўзбекистон. Рассомлар қураётган кўприк» мавзуларида лойиҳалар амалга оширилди. Ушбу кўргазмада санъат ихлосмандлари австриялик беш рассом — Андре Ресси, Мариа Луиза Бейшман, Маргарет Зножемский, Кристоп Майер ва Мансуржон Қозоқбоевнинг ишлари билан танишишади. Улар Самарқанд, Бухоро, Навоий, Жиззах шаҳарларида бўлиб, у ердаги тарихий обидалар, миллий ҳунармандлар ишлари билан танишиб қайтишди.

Таъкидлаш жоизки, «ЎзБАТ» қўшма корхонасининг лойиҳалари асосан ёш авлодга тегишлидир. Шундай лойиҳалардан бири — «Чекмасдан ёшлик гаштини сур» деб номланиб, у вояга етмаганларга тамаки маҳсулотларини сотишни таъқиқлаш, аҳоли орасида чекишни бартараф этишга қаратилган.

**«Туркистон-пресс»**

## АДИБНИ ХОТИРЛАБ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир Шухратнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кеча ҳамда адибнинг «Сенинг севгинг» номли тўпламининг тақдимоти ўтказилди. Мазкур тўплам «Шарқ матбаа» нашриёти томонидан чоп этилган.**

— Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг бир қатор таниқли ижодкорлари ва адиблари ҳукуматимиз томонидан «Буюк хизматлари учун ордени» билан муносиб тақдирланди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов. — Шулар орасида шоир Шуҳрат ҳам бор. Бу йўқлов, тақдирлаш, давлатимизнинг адибга бўлган ҳурматидан бир нишонадир. Шоирнинг ҳар бир шеъри, ҳар бир романини ўқисангиз унинг бетакрорлиги ва ўзбеконалигини англайсиз. Адиб ҳаёти давомида кўп қийинчиликларга учради. Шоирни тўғрисўзлиги, ҳалоллиги доимо сояда, қўздан панароқда юришга маҳкум этди. Лекин Шуҳрат қийинчиликларнинг ҳаммасини катта сабртоқат ва бардош билан енгди. Ҳозирда унинг «Олтин зангламас», «Шинелли йиллар» каби романлари ва кўплаб шеърий асарлари ўқувчилар қалбидан жой олган. Бизга адибнинг романлари, қиссалари, шеърлари мерос бўлиб қолди.

Тадбирда шоирнинг тенгдошлари, таниқли олим ва ёзувчилар, шогирдлари сўзга чиқиб, унинг XX аср адабиётига қўшган ҳиссаси хусусида тўхталишди.

## ТАЛАБАЛИК ГУВОҲНОМАСИ ТОПШИРИЛДИ

**Алишер Навоий номидаги кино саройида биринчи Тошкент педагогика коллежи ўқитувчилари ва талабалари иштирокида ёшларни талабаликка қабул қилиш маросими ўтказилди.**

Ҳозирги кунда мазкур ўқув юртида икки минг нафарга яқин ўқувчи таҳсил олмоқда. Бу ерга нафақат пойтахтимиз, балки республикамизнинг турли вилоятларидан келган йигит-қизлар ўқишга қабул қилинади.

— Коллеж ўқувчилари бошланғич синфларда таълим-тарбия ишлари ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси каби бўлимларда ўқитувчилик касбининг сир-синоатларини ўрганишади, — деди билим маскани директори Мунаввар Исмоилова. — Бу ерда ўқувчиларнинг назарий ва амалий билим олишларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, янги ўқув услублари, таълим стандартларига мос янги ўқув дарсликлари яратилди. Бугунги қабул қилинган ўқувчилар шу янги услублар асосида ўқишади. Улар Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларида ўз амалиётларини ўташади.

Тадбирда сўзга чиққан устозлар ҳамда ота-оналар ўқишга кирган талабаларнинг зиммасида катта масъулият турганлигини эътироф этишди. Чунки уларнинг олдида таълим сирларини мукаммал ўрганиш ва дунёвий билимлардан хабардор бўлишдек вазифалар турибди. Коллежга бу йил ўқишга кирган ўқувчиларнинг тантанали қасамёди тадбирга ўзгача шукуҳ бағишлади.

**«Туркистон-пресс»**

**АҚШда «Akademik press» компанияси, IASPEI - Халқаро сейсмология ва ер ички тузилиши физикаси ассоциацияси билан ҳамкорликда «Зилзилалар ва инженерлик сейсмологияси» икки томлик йирик халқаро маълумотнома чоп этилди.**

## ЯНГИ ХАЛҚАРО МАЪЛУМОТНОМА

Китоб жаҳон сейсмологлари ҳамкорлиги натижаларига бағишланган бўлиб, унда дунёнинг 57 мамлакатида мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилотлар, олимлар, уларнинг илмий мавзулари, фойдаланилаётган ўлчов асбоблари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Нашрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Сейсмология институтига алоҳида ўрин ажратилган. 100 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида узлуксиз фаолият кўрсатиб келаётган Тошкент марказий сейсмик станцияси ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар берилган.

## ҚИЗИҚАРЛИ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

**Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Тянь-Шань — Швейцария — экспресс» деб аталган концерт бўлиб ўтди. У Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ташаббуси билан ўтказилди.**

Швейцария, Австрия, Хакасия, Мўғулистон ва Марказий Осиё мамлакатларидан 20 нафар мусиқачидан иборат гуруҳ «Бирлик — хилма-хилликда» шиори остида мусиқа кечасини ўтказди. Хонандалар турли хил услубларда қўшиқларни ижро этишди. Диатоник аккордеон, тимпан ва альп бурғуси темирқомуз ва уд бирга чалинди.

Хейри Канциг раҳбарлигида ажойиб халқаро оркестр ташкил топди. У мусиқа шайдоларини Марказий Осиё ва Альп тоғлари анъанавий ва замонавий мусиқаси бўйлаб етаклади. Маданиятлар ўртасида мулоқотлар, одамни тўлқинлантирадиган, ўхшашлик ва фарқларни кўрсатадиган учрашувлар рўй берди.

Оркестр бундай концертни Бухоро, Алмати, Улан-батор, Эрденет ва бошқа шаҳарларда ҳам ижро этишни режалаштирмоқда.

**ЎзА**





# МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗЛАНДИ

**Мустақиллик туфайли миллий қадриятларимиз, урф одатларимиз қайта тикланиб, эъзозланмоқда, қадрланмоқда. Миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш мақсадида маҳаллаларда, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ҳамда мактабларда турли хил кўрик-танловлар ва тадбирларнинг ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлмоқда.**

Яқинда шаҳримизнинг сўлим гўшаларидан бўлмиш Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Обод маҳалла йилига бағишланган «Боғда — Ҳамза номидаги маҳалла куни» деб номланган маҳалла фуқаролар сайли бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Маданият ишлари бош бошқармаси, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда Акмал Икромов туманидаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини ташаббуси билан ўтказилган ушбу сайилда меҳмонлар карнай-сурнай садолари остида кутиб олинди. Тадбирда Ҳамза маҳалласи «Нуроний» кенгаши раисининг ўринбосари Тоир Юнусхўжаев сўзга чиқиб ўз маҳалласи тарихи ва унинг эртанги истиқболи ҳақида гапирди.Шундан сўнг маҳалла хотин-қизлари томонидан «Қадриятларимиз муқаддас» мавзуида «Келин салом»,«Бешик тўйи», «Алла» айтиш удумлари ва пазандачилик бўйича кўрик- танлов ўтказилди. Тадбир сўнгида танлов ғолиблари аниқланиб, муносиб совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, байрамона ўтган тадбирда Обод маҳалла йили муносабати билан ўтказилган «Намунали оила», «Обод кўча» кўрик-танловларининг учинчи чорак якуний босқичи ғолиблари аниқланди. Т.Нишонбоев, В.Бурхонхўжаев, Т.Юнусхўжаев, М.Маъдиева оилалари «Намунали оила» танлови ғолиблари, Зиё Саид, 2-тор Дурбек кўчалари эса «Обод кўча» танлови ғолиби деб топилди.

Файзли ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ва маҳалла қошида ташкил этилган «Меҳри нур» клуби, «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан маҳаллада истиқомат қилувчи ўзгалар ёрдамига муҳтож оилаларга мурувват кўмаги кўрсатилиб, кийим-кечаклар, «Фармед» хусусий фирмаси томонидан эса дори-дармонлар тарқатилди. Шунингдек, маҳалладаги кам таъминланган оилалар фарзандларига аттракционларда учиш учун бепул чипталар берилди.

Тумандаги 28-болалар мусиқа мактаби, «Ором» таълим-тарбия маркази ўқувчилари, Ҳамза номидаги маҳалла ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи бадиий жамоалари ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар тадбирга янада файз киритди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: боғда ўтган сайилдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## ХАЛҚ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН ШОИР

**Куни кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида атоқли шоир Расул Ҳамзатовнинг 80 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди.**

Маълумки, Расул Ҳамзатов 1923 йили Доғистонда туғилган. У 20 ёшида илк шеърий тўпламини нашр этди. Ёш шоир ўзининг кучли зеҳни ва ўткир қалами билан тез фурсатда танилди, халқнинг меҳрини қозонди. Ўша қалтис даврларда ҳам у ўз ватани ҳақида шеърлар битди. Хусусан, Р. Ҳамзатов «Мой Дагестан» номли шеърида ўз миллати, юртининг ҳаётини очиқ ёзган. Шу сабабли унинг мазкур шеъри бир қанча мамлакатларда танилди, маъно ва мазмун жиҳатдан яхши баҳоланди. Ҳозирги кунга келиб севимли шоирнинг янги-дан-янги шеърлари ўзбек тилига таржима қилинмоқда, ҳофизу қўшиқчилар томонидан мунтазам куйланмоқда.

Ижодий кечада сўзга чиққан, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов замондоши доғистонлик шоир Расул Ҳамзатовнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида жумладан шундай деди: — У нозиктаъб, иродали, журъатли шоир, севимли, қадрдон дўстдир. Расулнинг ҳар бир шеърида албатта, Она—Ватани, миллати улуғланиб ёзилади. Мен ҳеч бир шоирнинг шеъри учун ёдгорлик қурилганининг гувоҳи эмасман. Таассуфки, ардоқли шоиримизнинг «Турналар» шеърига бағишлаб Чирчиқ шаҳрида ҳайкал ўрнатилгандир. Биз, Ўзбекистон халқи Расул Ҳамзатовни табаррук 80 ёши билан чин юракдан қутлаймиз. Илоҳим бизни ҳам шу ёшларга етказсин!

Ижодий кечада шунингдек, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Шукрулло, Ойдин Хожиева, халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий ҳамда кўплаб ижодкорлар, журналистлар, адиблар иштирок этишди.

Тадбир давомида шоирнинг «Ошиқларинг сардори менман» шеърига басталанган қўшиқни ҳофиз Ҳасан Ражабий ижро этиб, йиғилганларнинг қалбига хушнудлик бахш этди.

**Юлдуз УСМОН.**

**• ҲАМКОРЛИК**

**Бугунги кунда техника ҳамкорлиги Германия жамияти Ўзбекистондаги янги турдаги ўқув юртлари билан ҳам яқин алоқа боғлаган. Бундай ҳамкорликдан Тошкентдаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи жамоаси ҳам манфаатдор бўлмоқда.**

## Коллежда «Тренинг-марказ»

Гап шундаки, бундан беш йил аввал коллеж раҳбарияти вакиллари Германияда бўлиб, касб-ҳунар таълими жараёнлари билан яқиндан танишган эдилар. Ана шу хизмат сафари натижаси ўлароқ республика ўқув-ишлаб чиқариш маркази билан техника ҳамкорлиги Германия жамияти ўртасида алоқалар боғланди.

Кўрилган бу тадбир натижасида Ўзбекистонда касб-ҳунар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича лойиҳа юзага келди. Эндиликда ўзбек-немис ҳамкорлиги лойиҳаси деб юритилаётган ана шу йўналишда коллеж ўқув фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Коллежда «Тренинг-марказ» ҳам ташкил топди. Унда ўқув машғулотларини олиб бориш учун жамият ўз мутахассисларини Тошкентга юборди.

«Инсон ва жамият» фани бўйича уюштирилаётган машғулотлар талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Тренинг-марказ»нинг Интернет алоқа тизимига уланиши нур устига аъло нур бўлди. Бу эса ўқитишнинг дастурий воситалари банкини яратиш учун замин ҳозирлади. Германиядан келтирилган дарслик, қўлланма, аудиокассеталар бўлажак мутахассислар билимини янада бойитишга хизмат қилмоқда. «Тренинг-марказ» йўли билан турли маданий тадбирларни ҳам амалга оширишга киришилди.

**Акбар АЛИЕВ**

# АСР ОШАЁТГАН ГЎЗАЛ ЎЙИН

**Бу йил Тошкентда теннис спортига асос солинганига 100 йил тўлди.**

**Биринчи теннис майдончаси шаҳримизда 1903 йилда пайдо бўлган. Унинг асосчиси чех миллатига мансуб Тошкент ҳунармандчилик билим юрти ўқитувчиси Ян Драчек кортни жуда оддий, жўн, тўсиқларсиз қуришга ҳаракат қилган. Асосий ўйин қуролларига келсак, ўша даврда атиги бир жуфт ракетка ва бир нечта теннис тўпи бўлишига қарамай, Драчек теннис қоидаларидан яхши воқиф бўлган, шу боис ҳам у ўз ўқувчиларига «тўр устидан тўпни оширишни» профессионал даражада ўргатишга астойдил киришган ва дастлабки натижалар, тарихий манбаларга қараганда ўша давр халқаро теннис рейтинги бўйича юқори баҳоланган.**

Биринчи бор расмий мусобақалар 1936 йилда ўтказилган бўлиб, Тошкент очиқ биринчилигида 90 нафар теннисчи қатнашган. Уларнинг 22 нафари аёллар эди. Кейинчалик теннис фақат пойтахтда эмас, Андижон, Бухоро, Қўқон, Фарғонада ҳам аста-секин оммавийлашган.

Ўтган асрнинг 40-50 йилларида ҳамюртларимиз Елена Ларина ва Александр Каплан мамлакатнинг энг кучли теннисчилари қаторидан ўрин олган бўлса, Ҳамдамова, Иброҳимова, Орипова, Оловиддинова, Эшонхўжаева, Иброҳимов каби ёш теннисчилар ҳам турли мусобақаларда илк муваффақиятларга эриша бошлашди.

50-йилларда республикамизда теннис федерацияси ташкил этилди ва 1969 йилгача унга Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти Убай Орипов раҳбарлик қилди. Таниқли олим ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва туманларида кортлар очила бошлади. Спортнинг бу тури ҳақида оммабоп китоблар нашр этилди. Теннисга оид зарур жиҳозлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. 1960 йилдан бошлаб Тошкентда Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши соврини учун қўшни мамлакатлар теннисчилари иштирокида турнир ўтказилиб турилди. 1980 йилдан эса у халқаро ўсмирлар турнири мақомини олди.

Теннис бўйича мураббий ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш ваколати 1959 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига юклатилди. Ўтган вақт мобайнида мингдан ортиқ юқори малакали мураббийлар «ҳаётга йўлланма» олдилар. Юздан ортиқ мураббийлар республикамизнинг турли вилоятларида ишламоқда, улар учун малака оширишнинг касб мактаби яратилган деса бўлади.

Теннис спорти ривожининг сезиларли даври 1970 йилда Тошкентдаги «Динамо» стадионида 11 та очиқ кортнинг қурилиши тугалланиши бўлди. Ўн йилдан сўнг улар қаторига яна учта ёпиқ корт қўшилди. Айни пайтда «Тошкент теннис маркази» номидаги мазкур стадион ўзининг техник вазифалари ва жиҳозланиши даражасига кўра Европанинг энг яхши спорт мажмуаларига тенглаша олади. Шуниси қувонарлики, илгари ҳам, ҳозир ҳам бу ерда энг нуфузли мусобақалар ўтказилган ва ўтказилиб келинмоқда.

Юртимизнинг теннис спорти тарихига қайтадиган бўлсак, 1983 йилда халқаро спартакиада ўтказилди. Унинг дастури доирасидаги учрашувлар жуда юқори ташкилотчилик даражасида бўлиб ўтди. Бу собиқ иттифоқда теннис ривожланиши бўйича Ўзбекистоннинг катта ҳиссасини тан олиш эди.

1990 йилда республикамиз вакили Виктор Богатирев биринчи марта халқаро тоифадаги спорт устаси талабларини бажарди. Ўша пайтда Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич Словенияда ўтказилган ўсмирлар ўртасида Европа биринчилигида иккинчи ўринни эгаллашди ҳамда ўсмирлар терма жамоаси таркибида Жаҳон Кубоги соҳиби бўлишди. Миллий терма жамоамиз 1991 йилда ўтказилган охирги спартакиадада муваффақиятли қатнашди, теннисчиларимиз Украина ва Москва терма жамоаларини олдинга ўтказиб, норасмий ҳисобда учинчи ўринни эгаллади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг, жисмоний тарбия ва спорт, хусусан теннисга эътибор тубдан ўзгарди. 1992 йил сентябридан Ўзбекистон теннис федерацияси ITF (Халқаро теннис федерацияси)га ассоциатив аъзо сифатида қабул қилинди. Шуни қайд этиш керакки, Доминикан Республикасида ўтказилган конгрессда Ўзбекистондан ташқари Ҳамдўстлик давлатларидан Россия ва Украина ҳам ITF таркибига киритилди.

Ярим йилдан сўнг ITFнинг ривожланиш бўлими маъмури Девид Мейли мамлакатимизга ташриф буюрди. У Тошкент, Самарқанд шаҳарларининг теннис салоҳияти билан яқиндан танишди, спортчиларни тайёрлаш тизимига ижобий баҳо берди ва бу борада очиқ дарс доирасида ўз фикрларини билдирди. Мамлакатимизда «Буюк Ипак йўли» сателлит турнирлари ташкил қилиш масалалари ҳамда ITFни ҳудудларимизда теннисни қўллаб-қувватлашдаги иштироки кўриб чиқилди. Бу борадаги биринчи қадам 1993 йилнинг август ойида қўйилди. Республика теннис федерацияси ҳисобига 6 минг АҚШ доллари миқдорида чек топширилди. Бу маблағ етакчи теннисчиларимизнинг халқаро тоифадаги турнирларда қатнашиши учун ажратилганди. Икки йиллик танаффусдан кейин Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич хориждаги турнирларда қатнаша бошлашди. Туркиядаги сателлит мусобақаларида Дмитрий биринчи ўзбек теннисчиси сифатида профессионал теннисчилар уюшмаси ҳисобига очколарни қўлга киритди, Олег Покистонда «Masters» турнири финалига чиқишга муваффақ бўлди. Умуман, 1993 йил кўп жиҳатдан эсда қоларли йил бўлди. Ўзбекистон теннис федерацияси ITFнинг тўлақонли аъзоси бўлди, ITP Ltd фирмаси билан шартнома имзолади. Республикамизнинг халқаро теннис саҳнасига чиқиши бу фирманинг раҳбари Сассон Какшури номи билан бевосита боғлиқдир. Унинг ташаббуси билан ҳамюртларимиз Огородов, Томашевич ва Ғаниевга Исроилда машҳур теннисчи Александр Метревели бош бўлган ўқув-машқ йиғинларида қатнашиш учун имконият яратилди. Шундан кейин миллий терма жамоамизнинг халқаро Дэвис Кубоги мусобақаларига тайёргарликлари бошланди. Эслатиб ўтамиз, бу доирадаги мусобақалар эркаклар жамоалари ўртасида норасмий жаҳон чемпионати ҳисобланади.

Саккиз йил ичида ўзбекистонлик теннисчилар жаҳон олий лигасига кўтарилишнинг барча босқичларини босиб ўтишди. Терма жамоамиз 1994 йил апрель ойида Қатарда Осиё ва Океания ҳудудининг учинчи гуруҳида мусобақаларни бошлаб, Дэвис Кубогининг олий лигасига саралаш ўйинларигача бўлган йўлни босиб ўтишди.

Етакчи теннисчиларимизнинг шиддатли парвозлари республикамиз ҳукумати, шахсан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг теннисни ривожлантиришга нисбатан ғамхўрлиги туфайли амалга ошди. Ҳозирги кунда спортнинг бу гўзал турига қизиқувчилар сони йил сайин ошиб бормоқда. 1994 йилда теннис ишқибозларидан 1700 киши катта ракеткани қўлига олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 20 мингга яқинлашиб қолди. Ҳозирда нафақат пойтахтда, балки вилоят марказларида ҳам махсус ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари очилиб, фаолият юритмоқда.

1995 йилдан бошлаб Самарқанд ва Фарғона, сўнг Андижон, Наманган, Қарши, Гулистон ва Бухорода профессионал теннисчиларнинг юқори даражада ташкил этилган мусобақалари бўлиб ўтди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг мусобақалар тақвимида болалар ва ўсмирлар ҳамда теннис ҳаваскорлари учун 60 дан зиёд турнирлар мавжуд. Айниқса «Ҳавас» мусобақалари жуда оммавий тус олган, чунки бу даражадаги турнирларда вазирлар, ҳокимлар, депутатлар, дипломатик корпус вакиллари қатнашади. 2001 йилдан бошлаб 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри терма жамоалари иштирокида Ўзбекистон кубоги учун турнир ўтказилиши йўлга қўйилди.

Ҳамдўстлик давлатларнинг бирортасида ҳам мамлакатимиздаги каби халқаро даражадаги спорт мусобақалари кенг доирада ташкил қилинмаган. Тошкентда анъанавий тус олган аёллар турнири дастлаб Челленжер тоифасидаги мусобақа сифатида бошланган бўлса, яқинда WTA тақвимида катта мақомга эга бўлган «Tashkent open» турнири саккизинчи маротаба ўтказилиши кутилмоқда. Турнирнинг соврин жамғармаси дастлаб 25 минг доллар бўлган ҳолда у эндиликда 140 минг долларгача ошди.

Ўзбекистон Президенти Кубоги ҳам обрўли мусобақа тоифасига кириб, унда Марат Сафин, Евгений Кафельников, Марк Россе, Тим Хенмен каби таниқли теннисчилар қатнашишди. Айтиб ўтиш жоиз, Президент Кубоги уч марта «устуворлик учун» мукофотига сазовор бўлди ва ITP томонидан ташкил этилган 70 та мусобақа ичида энг яхшиси деб тан олинди.

Халқаро теннис федерациясининг президенти Р.Битти мамлакатимизга қилган сафарида Ўзбекистонда теннисининг тез ривожланишига юқори баҳо бериб ўтди.

Буларнинг барига албатта юз йил илгари Тошкентда илк бор теннис спортига қўйилган қадам асосий пойдевор бўлди десак, адашмаймиз.

• ХУШХАБАР

# МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

**«Ўзбекистонлик теннисчиларнинг 2002 йилда ўтказилган турли минтақавий ва халқаро мусобақаларда кўрсатган ажойиб натижалари, катта муваффақиятларга эришгани ҳамда юқори чўққиларга интилишлари Осиё теннис ҳамжамияти томонидан юқори баҳоланиб, Ўзбекистон Республикаси теннис федерацияси Осиё теннис федерациясининг мукофоти билан тақдирланди».**

Бир неча кун аввал Осиё теннис федерациясининг қароргоҳи — Сингапурдан факс орқали келган бу хушхабар кўпчилик учун жуда қувонарли бўлди.

Айтиб ўтиш жоиз, Ўзбекистон теннис федерациясининг бундай мукофотга эришишида биринчи навбатда ўтган йили Тошкентда биринчи бор ўтказилган Осиё чемпионати ташкилотчиларининг хизматлари катта албатта. Бу чемпионат ўзининг 100 минг АҚШ долларига тенг соврин жамғармасидан ташқари, 15 та қатнашчи мамлакатнинг аёллар ва эркаклар ўртасидаги мусобақалар ғолибларига «Катта дубулға» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионатига йўлланма бериш имконияти билан ҳам катта нуфузга эга эди.

Анъанага кўра, чемпионат доирасида ўтказилган Осиё теннис федерацияси директорлар кенгашида бошқа масалалар қаторида, теннис тез ривожланаётган мамлакатларнинг рейтинги кўриб чиқилди. Ўзбекистон рейтинги бўйича еттинчи поғонадан бешинчи поғонага кўтарилиб, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Таиланддан кейин жой олди. Бу эса мамлакатимизнинг ОТФ мукофотига номзодлигидан далолат берганди.

Эътиборли томони яна шундаки, Осиё теннис федерацияси директорлар кенгашида барча раҳбарлар бир овоздан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг теннисининг ривожига қўшган катта ҳиссаси учун ОТФнинг махсус соврини билан мукофотланганини эътироф этишди. Кенгаш доирасида ўтказилган матбуот анжуманида давлат раҳбари ва сиёсий арбоб сифатида Ислом Каримов Осиё Теннис федерацияси лауреатлари ичида ҳозирча ягона эканлиги таъкидланди.

— Минтақа чемпионатининг бу ерда уч йил кетма-кет ўтказилиши Ўзбекистоннинг теннис мамлакати эканлигидан далолатдир, — деди жумладан Осиё Теннис федерациясининг ижрочи директори Утрапати. — Республикангизда барча зарур инфратузилмалар яратилган бўлиб, қитъа турнирини юқори ташкилий даражада ўтказиш учун ҳамма имкониятлар мавжуд. Тошкентда ўтказилувчи чемпионат Осиёдаги энг нуфузли мусобақаларнинг бирига айланди. Федерациямиз томонидан Ўзбекистон пойтахтида ўтказилган мусобақалар ҳақида махсус видеофильм яратилиб, айни пайтда ОТФ доирасига кирувчи теннис мамлакатлари учун кўргазмали қўлланма бўлиб қолган.

Маълумки, ўтган чемпионатда ўзбекистонликлар биринчи бор дастурнинг уч турида қатнашгандилар. Қатнашув натижалари турлича бўлиб, 16 ёшли тошкентлик Иванна Исроилова барчани лол қолдирганди. У Япониянинг иккинчи ракеткаси Рика Фуджиямани, кореялик бешинчи ракетка Юнг Диа Чонгни, хитойлик Ян-Зе Кшишни босқичма-босқич енгиб ўтиб финалда ҳам япониялик кучли спортчи Моригами билан шиддатли беллашди. Аммо ёш спортчимиз ўйинни бой берди. Шунга қарамасдан Исроилова теннис ихлосмандлари ва мутахассисларида ёрқин таассурот қолдирди. Унинг теннисдаги маҳорати бошқа ўзбек спортчи қизлари учун ҳам ўрнак бўлишга арзигуликдир. Наргиза Ибрагимова, Елена Рябцева, Аглаи Кукурина, Анна Шюпак, Александра Сорокотяга, Велена Муратова, Елена Арутюнова, Элеонора Сеитжемилева, Кристина Солодовникова каби ёш, умидли теннисчиларимиз ўтган йили Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида яхши натижалар кўрсатишди.

Австралияга йўлланма учун беллашувчилар орасида ўзбекистонлик эркаклар ҳам бор эди. Биринчи ва иккинчи этиб сараланган Олег Огородов ва Вадим Куценкога кўпчилик ишонч билдирганди. Афсуски, натижалар унча кўзга кўринарли бўлмади. Огородов иккинчи давра ўйинларидан сўнг чиқиб кетди, Куценко эса учинчисидан мусобақани тарк этди. Эркаклар беллашувида ғолиблик шоҳсупасига япониялик Гоичи Мотомура чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ташкилотчилар келгусида Осиё чемпионатида оддий беллашувлар бўлмаслиги, ҳамма учрашувлар кескин ва муросасиз ўтишига умид қилганди. Осиё чемпионати қатнашчиларининг тажрибаси ортганини инобатга олиб, «Australian open»нинг вакили, Осиё мамлакатлари бўйича менежери Ричи Ги қитъа турнирида фақат ғолиблар эмас, балки финалчилар ва жуфтликлар ўртасидаги ғолиблар ҳам «Катта дубулға» тоифасидаги турнирга йўлланма олиши тўғрисида таклиф киритганди. Ушбу таклиф амалга ошиш арафасида. Ният қиламизки, иккинчи марта Тошкентда ўтказилаётган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз янада юқори чўққиларни забт этиб, мамлакатимиз нуфузини бундан ҳам оширадилар.

# ТОШКЕНТ — ОСИЁ ҚИТЪАСИНИНГ ТЕННИС МАРКАЗИ

ASIAN CHAMPIONSHIPS UZBEKISTAN 2003

**БУГУН ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТАДИ**






• ДИҚҚАТ, ВИКТОРИНА!

# «ОСИЁ ТЕННИСИ ҲАҚИДА НИМА БИЛАСИЗ?»

**Бугун шаҳримиздаги «Тошкент теннис маркази»да Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамкорликда «Осиё тенниси ҳақида нима биласиз?» мавзусида викторина ташкил этгани ҳақида газетамизнинг ўтган жума сонида эълон қилгандик.**

Викторина шартларини эслатиб ўтамиз. Улар унча қийин эмас. Сиз, азиз газетхонлар, атиги бешта оддий саволга жавоб беришингиз лозим. Улар қуйидагича:

1. Қаерда ва қачон теннис бўйича биринчи Осиё чемпионати ўтказилган?

2. Ўзбекистон қачон Халқаро теннис федерацияси таркибига кирган?

3. Осиё чемпионати ғолиби қайси турнирнинг «wild card»ини олишга муваффақ бўлади?

4. 2002 йилдаги Осиё чемпионатида ўзбекистонлик теннис юлдузларининг эришган асосий ютуқлари ҳақида нима биласиз?

5. «Осиё чемпионати-2002» турнирининг аёллар ва эркаклар ўртасидаги мусобақаларида ким ғолиб бўлган?

Муҳтарам газетхонлар, агарда сиз «Осиё чемпионати-2003» рукни остида чоп этилаётган материалларни ўқиб борсангиз, викторина ғолиби бўлишингизга шубҳа йўқ.

Газеталаримиз муштарийси сифатида ўзингизни синаб кўринг ва сизни Ўзбекистон теннис федерациясининг ажойиб совғаси кутмоқда.

Викторина саволларига жавобларингизни 25 сентябрга қадар қуйидаги манзилга жўнатинг:

**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 220-хона, тел:133-99-42.**

• ҒОЛИБЛИККА ДАЪВОГАРЛАР

## Иванна Исроилова

**Бу йили 17 баҳорни қаршилаган Иванна 2002 йилда Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида аъло даражада ўйин кўрсатганди. У рейтинги бўйича ўзидан анча кучли теннисчиларни ортда қолдириб, сўнгги босқичгача муваффақиятли етиб келганди. Австралиянинг очиқ чемпионатига йўлланма олиш учун эса япониялик Акико Моригами билан беллашиб, Осиё чемпионатининг финалчиси сифатида иккинчи ўринни эгаллади.**

Иванна кортга илк бор тўққиз ёшида қадам қўйганди. Аслида уни ота-онаси уч ёшида сузиш тўгарагига олиб боришган. Спорт гимнастикаси билан ҳам ёш пайтидан шуғуллангани боис Иванна теннисда тез ўса бошлади.

Дастлабки муваффақиятларга 15 ёшида эриша бошлади. Жумладан, 2001 йилда Қозоғистонда Халқаро теннис федерацияси томонидан ўтказилган турнирда ғолиб бўлди. Шундан сўнг яна Қозоғистонда бўлиб ўтган юқори тоифадаги мусобақада финалгача етиб келди.

Аёллар теннис ассоциацияси — WTA рейтинг очколарини Иванна Хитойда бўлиб ўтган соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг турнирда тўплади. Малайзияда ITF доирасидаги мусобақаларда яна зафарни қўлга киритди.

WTA таснифи бўйича 507-ўринни эгаллаб келаётган Иванна Исроилова бу йилги Осиё чемпионатида биринчи доирадаги ўйинларда индонезиялик Арикита Бхамери билан беллашади. Кейинги босқичлардан муваффақиятли ўтиб келса, шундай натижани ҳам кутиш мумкинки, финалда айни пайтда бир нечта халқаро турнирларда ғолибликни қўлга киритган умидли теннисчиларимиздан яна бири — Оқгул Омонмуродова билан ҳам куч синашишига тўғри келади.






**Вадим Куценко 26 ёшда. Теннис билан олти ёшлигидан шуғуллана бошлаган. Профессионал спортчилар тоифасига 1994 йилда кирган. Дастлабки маълумотларга кўра, Осиё бўйича энг кучлилар ўртасида учинчи ўринда турса, АТР рейтинги ҳам анча юқорилаган — август ойида 184-ўринни эгаллаб турганди.**

## Вадим Куценко

Вадим илк бор энг яхши натижаларга 1997 йили Ҳиндистонда, 1998 йилда Японияда бўлиб ўтган турнирларда эришган. 1998 йилда Таиландда ўтказилган Осиё ўйинларида жамоа таркибида бронза нишонлари соҳиби бўлган. 1999 йили Туркия пойтахти Истамбулда ўтказилган Осиё Кубоги турнирида ғолиб чиққан. Бир йилдан сўнг Ҳиндистоннинг Аҳмадобод шаҳрида ўтказилган Челленжер ўйинларида ҳам Вадимга омад кулиб боққан.

Очиғини айтиш жоиз, Вадим Куценко бундан бир йил аввал эркаклар ўртасида Олег Огородовдан кейин Ўзбекистоннинг иккинчи ракеткаси ҳисобланган бўлса, айни пайтда у юртимизнинг энг кучли теннисчисидир. Юқорида айтиб ўтилганидек, Вадимнинг АТР — профессионал теннисчилар ассоциацияси бўйича рейтинги 184 бўлиб қолмоқда.

Бу йилги Осиё чемпионатида Куценко дастлаб ушбу турнирда биринчи марта қатнашаётган эронлик Ануша Шахгхули билан беллашади. Унинг дастлабки доирадаги рақибининг АТРда рейтинги бўлмасада, мамлакатида маҳоратли теннисчи деб топилган. Агарда Вадим Анушадан устун келса, кейинги босқичда хитойлик Юн Ху ёки мўғулистонлик Сухжаргал Сухгбаатар билан куч синашади. Турнир ташкилотчилари ҳамда теннис ихлосмандлари Вадим Куценконинг чемпионатда ғолиб бўлишига ишонч билдирмоқдалар. Демак, Осиё чемпионати ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига даъвогар бўлиб турган Вадим Куценко дастлабки беллашувлардан финалга етиб келса, Австралия очиқ чемпионатига йўлланма олиш учун Индонезия, Хитой, Малайзия ёки Жанубий Корея теннисчиси билан баҳслашади.

**Қўш саҳифани Ўзбекистон теннис федерацияси ҳамкорлигида Ильмира Зайнутдинова тайёрлади.**

*Турфа олам*

## КЎЛДА ПОРТЛАШ

1986 йили Африка қитъасидаги Камерун ўлкасида жойлашган Ниос кўлида катта миқдордаги корбонат ангидриди газининг ажралиб юзага чиқиши 746 киши ва 20 мингдан ортиқ молни бўғиб ўлдирганди. Газ кўлнинг чуқур ерларида йиғилиб, совуқ сувда эритади ва уни тўйинтира боради. Фаол вулқон қаърларидан ажралувчи газ йиғилиб борган сари унинг босими ҳам кўпаяди. Кичик бир туртки, масалан, ер қимирлаши ҳам уни атмосфера сари ҳаракатга келтириб юбориши мумкин. Яқинда камерунлик олимлар япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда мазкур кўл ҳолатини текшириб кўришди. Уларнинг кўлда йиғилаётган карбонат ангидриди у билан биргаликда учровчи гелийгазига қўшилган ҳолда яна ҳавога отилиб чиқиши ва катта зарар келтириши мумкинлигини эълон қилдилар. Фалокатнинг олди олинмаса у 2006 йилда, яъни 20 йилда, яъни йигирма йилдан кейин қайтарилиши мумкин.

## ОЗОН ҚАТЛАМИ: ЯНГИ ФИКРЛАР

Франциянинг Лидон номли расадхонаси ходимларининг кўп йиллик илмий кузатувлари Антарктида осмонидаги «Озон тешиги»да инсоннинг айби йўқлигини исботлади. Олимларнинг бундан салкам қирқ йиллик олдинги ўлчовларида ҳам у ерда озон етишмаслиги кўрилган эди. Ваҳоланки, ўша эллигинчи йилларда саноат совутгичлари ёки газ балончалари унчалик тарқалмаган эди. Тўқсонинчи йиллар ўртасидаги ўлчов ва тадқиқотлар муз ўлкаси осмонида бўлиб турувчи озон қаватининг ўзгариб туриши табиий ҳодисалар, шу жумладан вулқон газлари, ҳаводаги азот ва унинг бирикмаларининг момақалдироқ пайтида рўй берадиган реакциялари таъсирида амалга ошади деган фикрлар билдирилди.

## ТОМДАГИ ЎЙИНГОҲ

Одамлар нималарни ўйлаб топмайди дейсиз? Мана Канаданинг Торонто шаҳридаги машҳур 3 метр баландликка эга бино томида ўйингоҳ қуриб битказилди ва ишга туширилди. «Осмондаги» ўйингоҳда югуриш майдончалари, енгил атлетика ва спортнинг бошқа шу каби турлари билан шуғулланувчи ишқибозлар учун барча қулайликлар яратилган. Стадион ҳавоси тозалиги билан ажралади, спортчилар енгил нафас олиши ва тез чарчамасликларини билдирмоқдалар.






## СИФАТЛИ МАРМАР ПЛИТАЛАР

**Инсон атрофга синчков кўз билан назар солса, табиатдаги ҳар бир гиёҳдан, кенг ялангликлардан, дов-дарахтлардан ҳам гўзаллик топиши мумкин. Ҳаттоки, тоғлар қаърига яширинган тошлар ҳам озгина тарашлаш ва ишлов бериш натижасида кишига бир олам завқ бериши шубҳасиз. Айни пайтда шаҳримизда фаолият юритаётган «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамияти жамоаси оддий ҳарсанг тошлардан санъат асари даражасидаги мармар плиталари тайёрлаб, буюртмачилар эътиборини қозонмоқда.**

1999 йилда фаолият бошлаган ушбу жамият ишчи-ходимлари бугунги кунда турли-туман шакл ва ҳажмдаги мармар плиталари тайёрлаш, унинг харидоргир хилларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Айниқса, корхона ишчилари бозор иқтисодиёти даврида буюртмачилар дидига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Шаҳримиздаги «Тошкентметроқурилиш», «Паркентсувқурилиш» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда кўплаб қурилиш трестлари корхонанинг асосий буюртмачилари ҳисобланади.

— Хомашёнинг кўпчилик қисми Навоийдаги «Ғозғон» ва «Камалак» мармар конларидан келтирилади. Шунингдек, Жиззахдаги «Диал» фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз, — дейди корхона раҳбари Равшан Тўлаганов. — Жамиятимиз бир йилда 30 минг квадрат ҳажмда маҳсулот тайёрлаб сотмоқда. Бу эса 330 миллион сўмни ташкил қилади.

Айни пайтда корхонада Италиянинг «Педрини» фирмасидан келтирилган замонавий, европа стандартларига мос ускуналар билан ишлаш жараёни мукаммал эгалланган. Корхонанинг ўз олдига қўйган асосий мақсади сифатли, замон талабига мос, харидоргир мармар плиталарини ишлаб чиқаришдир. Келгусида четга ҳам рақобатбардош маҳсулот экспорт қилиш ҳам тадбиркорларнинг мақсадлари сирасига киради.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## ОҚ КАБУТАР –ТИНЧЛИК РАМЗИ

**БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасида Халқаро тинчлик кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда пойтахтнинг мактаб ва коллежлари ўқувчилари иштирок этишди.**

— Жаҳон халқлари йигирма йилдирки Халқаро тинчлик кунини нишонлаб келишмоқда, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Ричард Конрой «Туркистон -пресс» мухбирига. – БМТ Бош Ассамблеяси бу байрамни икки йилдан буён 21 – сентябрь куни БМТга аъзо давлатларда нишонлаб келади. Бу йил БМТнинг Тинчлик элчиси Жейн Гудал ташаббуси билан «Тинчлик кабутари» акцияси ўтказилди. Ушбу ташаббусга Тошкентдаги кўпгина мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари қўшилишди. Улар қоғоздан оқ кабутарлар ясаб, унга тинчлик тўғрисидаги хатларни ёзишди. Оқ кабутар эса тинчлик рамзидир.

Таъкидлаш жоизки, тинчлик-фаровонлик ва тўкинлик инсонларнинг бахт-саодат калитидир. У барча қалбларнинг орзу-умиди. Афсуски, Ер куррасининг баъзи минтақаларида ҳануз тинчлик ҳукмрон эмас.

— БМТнинг айрим мавзуларга атаб ўтказиладиган кунлар, йиллар, ўн йилликлар тадбирларининг асосийларидан бири – бу Халқаро Тинчлик куни ҳисобланади, — деди БМТнинг Ўзбекистондаги маслаҳатчиси Фотиҳ Тешабоев. — Чунки, Ер курраси учун тинчлик керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсоният, ер курраси келажаги, хавфсизлиги учун масъул ташкилот бўлгани сабабли тинчликни таъминлашни асосий вазифаси, деб билади. Шунинг учун у бутун дунё кишиларига, ёшларга тинчлик учун ўз ҳиссаларини қўшиш имкониятини яратиб беради. Шундайлардан бири «Тинчлик кабутари» акциясидир. Бу кунни кўпгина мамлакатларда турлича ўтказишади. Масалан, Ҳиндистондаги ёшлар бу кунни қандай нишонлаганликларининг шоҳиди бўлганман. Улар ўшанда тинчлик мушоираси ўтказишган.

**«Туркистон-пресс»**

• МУЛОҲАЗА

## ФИРИБГАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

**Халқимизда «Алдагани бола яхши» деган гап бор. Бирор нарса тўғрисида жанжал қилаётган болага: «Ундан ҳам яхшисини кейинроқ олиб бераман», — десангиз овунади. Болалар бир-бири билан урушганида йиғлаётган болага, «Зўравоннинг таъзирини бериб қўяман, ота-онасига айтиб уялтираман», — десангиз йиғидан тўхтайди. Алдаркўса тўғрисидаги эртакларни эшитганмиз, «Кўса» сўзи соқоли чиқмаган кишини англатади. Ҳозир кўча-кўйда кўса эмас, соқол қўйган йигитлар, қош-кўзини бўяган хотинлар болаларни эмас, катталарни алдаяпти. Бундай алдамчиларга индамай кетаверадиганлар яхши. Агар ҳақингизни талаб қилсангиз улар сизни ёмон кўришади. Алдасангизу уларнинг алдамчилигини айтсангиз жаҳли чиқади. Аввал талмовсираб, тонади. Кейин қасам ичади, дўқ қилади. Бунда ҳам номери ўтмаса кечирим сўрайди. Харидор ўзининг ҳақ эканлигини исботласа ноилождан унинг ҳақини қайтаради.**

Ҳўш, нима демоқчисан? Гапни чўзмай тезроқ муддаоингни айтақолмайсанми? — дерсиз. Мақсадга кўчақолайлик. Тунов куни самарқанд дарвозалик дўхтир оғайнимни учратиб қолдим. У фиғони чиқиб, бир воқеани айтиб берди. У бир бозордан килоси 900 сўмдан 10 кило гуруч олипти. Уйига бориб: «Хоразм гуручининг додахўжасини олиб келдим» — деб мақтанипти хотинига. Келинойимиз сабзини қайнатиб бўлиб, ошга гуруч солмоқчи бўлсалар, эрлари мақтаган гуруч оқишоқ (гуручнинг жуда майдаси) эмиш. Дўхтир оғайним эртасига тўрвани кўтариб, гуруч олган жойига борса, ўша гуруч сотган соқолли йигит узоқдан кўринипти, дўхтир етиб боргунча, у ердан ғойиб бўлипти. Унинг ёнида гуруч сотаётганлар «У бола гуручини сотиб кетди, энди келмайди», — дейишибди. Дўхтир уларга «Айтмасаларинг, барибир мен уни топаман, бу алдамчининг шармандасини чиқараман», — деб қатъийлик қилгач, ўша жойда гуруч сотаётган аёл ёнидаги бошқа болага: «Сен бу амакингдан оқишоқни ол, яхши гуручдан 10 кило бер, сен билан сурришамиз», — депти. У бола алмаштириб берибди.

Мен яқинда мева-сабзавот ярмаркасига келган юк машиналаридан биридан картошка олдим. 20 килони тўрт марта тортиб тўрвамга ағдарди, сотувчи аёл. Мен уни рўпарада турган катта тарозига қўйдим. Тўрт кило кам чиқди. Мен бу картошкани сотаётган икки хотиннинг олдига бордим. Уларга хунобим чиқиб, тўрт кило камлигини айтдим. Уларнинг бири лабини бўяб иршайиб турипти. Иккинчиси менга: «Кам чиққан бўлса, биз шу ердамиз-ку, кетиб қолганимиз йўқ. Келинг мулла ака, камини тўлдирақоламиз», — деб 4 кило картошка тортиб берди.

Бир куни кўчамиздан машинанинг чўзиб-чўзиб чалинган сигнали эшитилди. «Чиқинди машина келяпти» деб питирлаб қолди ҳовлидагилар.

Кўчада бағир-буғир овоз эшитилди. Мен ҳам улар ёнига бордим. ГАЗ-69 русумли машинада икки эркак, бир аёл картошка сотиб юрган экан.

— Паркентлик деҳқонлармиз, яхшилаб тортиб берамиз, — деди эркакларнинг гавдалиси. 74 кило картошкаси қолган экан. Ҳаммасини олдим. Эртасига яна олиб келишларини ваъда қилиб кетишди. Уйга кириб, пулимни ҳисоблаб кўрсам мендан минг сўм ортиқча олиб кетишипти.

Ҳайриятки, эртасига айтган вақтдан эртароқ келишди. Минг сўм ортиқча олганларини тан олишди. Улардан ваъдалашган 250 килограмм картошкани олдим. Ўша мен ортиқча берган пулни бу галгисига қўшиб ҳисобладик. Пахта тортадиган тарозини машина кузовига осиб, бешта қопга 50 килодан солишди. Ҳар бир қопга 10 килодан 5 марта тортиб солишди. Улар жўнаб кетишди. Кечқурун картошкаларни ўрага жойлаштираётганда, қўшнимизнинг пружинали тарозисини олиб, бир қопини тортсак 45 кило чиқди. Кейин бошқаларини тортдик. Ҳаммаси шунақа чиқди. Сўнгра мен бошқа қўшнининг тарозисини олиб тортдим. Шунақа чиқаверди. Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, яна кўчамизда ўша машинанинг сигнали эшитилди. Орқа томондаги кўчада картошка сотишаётган экан. Мен ўша картошкалар кам чиққанини айтгандим тан олишмади. У киши челакда бировга тортиб бераётган 10 килограмм картошкани қўлимда ушлаб борган пружинали тарозида қўшнилар-харидорлар олдида тортдим. 9 кило чиқди. Кейин картошка сотаётган деҳқон ўзича тутақиб, машинасини ҳайдаб кетди.

Ўтган йили ёзда бир киши уйимизга келди. Ўзини газ бўйича ёнғинга қарши идорадан деб таништирди. «Газ плиталарни сув иситгич (АГВ)ларни, тутун чиқадиган мўриларни текшираман», — деди. Ҳаммасини кузатди. 635 сўмни мендан олиб, имзоланган, муҳр босилган квитанция берди. Орадан бир ҳафта ўтганда бир аёл келди. Ўзини шу идораданман деб таништирди. Мен илгари келган киши берган квитанцияни кўрсатдим. Ҳалиги аёл квитанцияни қўлига олиб, «Бу киши бизда ишлаб кетган, ўзида қолган чипталарни мана шунақа, одамларникига кириб, алдаб юрган экан, мен буни раҳбаримизга кўрсатиб, душанба куни келаман, ўзингизга топшираман» деганча бедарак кетди. Ундан кейин бир неча кун ўтгач бир йигит келди. Ўзини ўша идорадан деб таништирди. Гувоҳномасини кўрсатди. «Тошкент шаҳар ёнғинга қарши кураш жамияти. Гувоҳнома № 29. Гулматов Олимжон», деб ёзилган. Мен унга аввалги бир эркак пул олгани ва бир хотин шу идорадан келганман деб, кетганини айтиб бердим. «Энди сенларнинг гувоҳномангга ҳам ишонмайман» дедим унга.

— Сиз менга ишонинг кузда келиб, АГВларингизни тузатиб бераман. Ҳозир менга пул бераверинг, — деди яна. Иккита телефон рақамини ёзиб берди. Мен унга пул бермадим. У ҳам кетди. Кузда ҳам келмади. Кейин шу телефонда Раҳим ака деган киши билан гаплашдим. У киши: «Олимжон биздан кетган, аввалгиларини билмайман», — деб телефон гўшагини қўйиб қўйди.

Мана шу келтирилган фактлардан сўнг гапни мухтасар қила қолдим. Ҳўш, бундай ҳолатларга сиз нима дейсиз, ҳурматли газетхон?

**Йўлдош МАНСУРОВ,**
**журналист.**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Тўғрилик — одамни балодан қутқаради.

Ҳикоят:

Бир ўғри қоронғу кечада ер остидан лаҳм кавлаб, подшоҳнинг хазинасига киради. У ердаги олтин ва қимматбаҳо гавҳарлардан бир рўмолни тўлдириб олади. Чиқиб кетиш олдидан олмосдек ялтираб турган бир нарсага кўзи тушади. Қоронғу тунда ялтираб турган бу нарсани гавҳарий шамчироқ деб ўйладида, қўлига олиб ялаб кўрди. Бу — қотиб қолган туз эди. Ўғри олган нарсаларини жой-жойига қўйиб, ҳеч нарса олмай, лаҳм орқали чиқиб кетади. Эртаси эрталаб хазиначи подшоҳга келиб:

— Ўғрилар лаҳм кавлаб хазинага кирганлар. Қизиғи шундаки, ўғриланган қимматбаҳо нарсаларни яна жой-жойига қўйиб чиқиб кетганлар, деб арз қилди.

Подшоҳ бунга таажжуб қилиб:

— Лаҳм кавлаб хазинага кириб, қимматбаҳо нарсалардан биронтасини ҳам олмай чиқиб кетган ўғрилар, келиб унинг сабабини айтсинлар, мен уларга ҳеч қандай жазо бермайман, — деб эълон қилди.

Хазинага кирган ўғри подшоҳнинг эълонини эшитиб, унинг ҳузурига келди ва таъзим қилиб айтди:

— Хазинангизга лаҳм кавлаб, фақат мен ўзим кирдим, бунга бошқаларнинг дахли йўқдир.

Подшоҳ ўғридан:

— Хўп, шунча меҳнат қилиб, хазинамга киргансану, ҳеч нарса олмай чиқиб кетганинг боиси надир? — деб сўради.

Ўғри айтди:

— Подшоҳнинг тузини татиб кўрдим, туз ҳаққига риоя қилиб ҳеч нарса олмай қайтиб кетдим. Туз ҳаққига риоя қилмаслик ярамас кишилар ишидир, — деб воқеани баён қилди.

Подшоҳ ўғрига инъом-эҳсон қилиб, уйига қайтишга рухсат берди.

Ҳисса:

**Бошингга қилич келса ҳам, ростини айтгин.**

● Тўғри ва ҳалол гапирган киши ҳамманинг ишончини қозонади.

Арасту Ҳаким айтади:

— Тўғрилик учун қурбон бўлиш — ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан хайрлидир.

● Бир ҳакимдан сўрадилар: "Дўстларингдан қай бири барчадан сенга ёқади ва биродарлдик даражасига етади. Қайси бирига муҳаббатинг кучлироқдир?

Ҳаким: Айб қилсам яширадиган ва узр сўрасам кечирадиган ҳалол, ростгўй дўстим менга ёқиб тушади", деб жавоб берди.

Байт:

**Ростлигу, дўстликни кутса бўлади,**
**Оқил кишилардан, фарзоналардан.**
**Аҳмоқлик бўлади яхшилик кутмоқ,**
**Ақли йўқ, баднамо, девоналардан.**

• ҲУКМ ЎҚИЛДИ

# ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

**«Кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим», деган эди донишмандлардан бири. Дарҳақиқат, ҳаёт йўлларида уриниб-суриниб босилган қадамни тўғрилаб олиш, керакли хулоса чиқариш кишини фақатгина чароғон манзилларга чорлайди. Кейинги ҳаёт йўлида эса бир умрлик мактаб ва ибрат вазифасини ўтайди. Аммо, инсон фарзанди ҳар доим ҳам хулосаларини умумлаштириб, ўзининг ўзлигини англай олавермас экан. Айниқса, у танлаган йўлнинг охири яна жиноят билан якунланса... Ўртадаги диёнат, андиша пардаси кўтарилиб, тубанлик, разолат уруғи ниш уриб, кўкараверар экан.**

Мақоламиз қаҳрамони Дилшод Қурбанбаев муқаддам ўғирлик жинояти содир этиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Лекин у андишани унутди. Юқорида келтирилган фикрларимизга таяниб айтадиган бўлсак, хатоларидан тўғри хулоса чиқариб ололмади.

Дилшоднинг ҳаккалак отган нафси унга бир зум бўлса-да, ором бермади. Аксинча, уни яна жиноят йўлига бошлади. 2002 йил 14 майдан 15 майга ўтар кечаси жиноий тил бириктирган шериги Абдувоҳид Воҳидов билан бирга Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, У.Юсупов жамоа ширкат хўжалигига қарашли ҳудудда жойлашган ХРСУ ташкилоти қоровулхонасига бостириб киради ва у ерда вақтинчалик тунаб қолган икки фуқаро — Мадамин Абдуллаев ва Қосимжон Рўзибоевларга ҳаёти учун ўта хавфли бўлган жиноий қийноқ, тазйиқ ўтказади. Зўравонлар М.Абдуллаевнинг чап оёқ болдир суягининг пастки қисмига бир неча маротаба уриб, уни қаттиқ жароҳатлайдилар ва жабрланувчиларга тегишли 440.000 сўмни ўмаришиб воқеа жойидан яширинадилар.

Қурбанбаев бошчилигидаги жиноий гуруҳнинг ором нималигини билмайдиган нафси бу билан ҳам таскин топгани йўқ. Навбатдаги босқинчилик ва талончилик Дилшоднинг яна икки гумаштаси: Раҳматулла Муҳаммадиев ва Дурдона Икромова билан ҳамкорликда амалга оширилди. Аслида ҳаммаси ўйлаб, пишитиб қўйилган эди. Гуруҳ жиноий режасига кўра, Дилшод, Раҳматулла ва Дурдона «Ҳамза» метро бекатига яқин жойда жойлашган «Элдорадо» дискотекасида фуқаро Х.Абдуғаффороваға тегишли бўлган А.Икромов тумани, Чилонзор-21 даҳаси, 1а-уй, 48-хонадоннинг калитини ўғирлашди. Жиноий ният амалга ошгач, Дурдона икки шериги (Дилшод ва Раҳматулла)ни кузатиб қўяди ҳамда Х.Абдуғаффоровада шубҳа аломатларини уйғотмаслик учун у билан рақс тушиб туради. Қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш истагида бўлган Дилшод ва Раҳматулла, кўчадан такси ушлаб, Х.Абдуғаффорованинг уйини топиб борадилар ва қўлларидаги уйнинг калити билан эшикни очиб, ичкарига киришади. Шу тариқа жами 558.000 сўмлик мол-мулкни яширин равишда ўғирлаб кетишади.

Жиноий тўданинг кейинги иши қотиллик билан якунланди. Эҳтимолки, Басинская тор кўчаси, 14-уйда истиқомат қиладиган Нина Колесникова умрининг охири оддийгина тўмтоқ таёқ зарбидан ниҳоя топишини ҳаёлига ҳам келтира олмагандир. Дилшод шу тариқа 80 ёшли кампирнинг бевақт ўлимига ҳам сабабчи бўлди. Кейинчалик суд-тиббиёт экспертизасининг 1158-сонли хулосасида Колесникованинг ўлими бўйин аъзоларига тўмтоқ жисм билан урилиши натижасида механик асфиксия сабабли юзага келганлиги қайд этилди. Суд мажлисида жабрланувчи сифатида иштирок этган Алла Денисенко марҳума Нина Колесникова унинг онаси эканлигини, мудҳиш қотиллик содир этилган кун соат 21-00 ларда, онасининг уйига қўнғироқ қилганлигини, онаси унга озиқ-овқатлари тугаб қолганлигини айтганини қайд этиб ўтди. Алла онасининг уйига озиқ-овқатлар билан етиб келганида уйнинг кўча эшиги очиқ эканлигини, ичкарига кирганида эса онасининг жасади мато билан ёпиб қўйилганлигининг гувоҳи бўлган... Бундан ташқари жабрланувчи А.Денисенко суд ҳайъатидан қотилликни содир этган Дилшод Қурбанбаевга нисбатан энг оғир жазо берилишини сўраган.

Хуллас, Дилшод ва унинг гумашталари қотилликдан сўнг, уй эгасига тегишли «Радуга» ва «Ладога» русумли телевизорларни, жами бўлиб, 85.000 сўмлик буюмни ўғирлаб кетишган.

Мамлакатимизда қонун олдида ҳамма тенг. Шу жумладан, кимки жиноят кўчасига кирар экан, албатта, одил судлов олдида жавоб беради. 2003 йил 24 февраль куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судлов ҳайъатининг очиқ суд мажлисида судья А.Қодиров раислигида Дилшод Қурбанбаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми «в, и, о» бандлари, 164-моддасининг 3-қисми «а, в, г» бандлари ва 169-моддасининг 3-қисми «а, в» бандларига асосан айбдор деб топилди ва 59-моддадаги тайинлашган жазоларни қисман қўшиш йўли билан 19 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Унинг жиноий шериги Раҳматулла Муҳаммадиев Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 169-моддаси 3-қисми «в» банди билан айбдор деб топилиб 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Дилшод Қурбанбаев жазони қаттиқ тартибли колонияда, Раҳматулла Муҳаммадиев эса умумий тартибли колонияда ўтайдиган бўлишди.

**Ҳумоюн АЛИЕВ,**
**журналист,**
**Ҳамро БЕРДИҚИЛИЧЕВ,**
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг бўлим бошлиғи.**

## ДИЛЛАР-ДИЛГА ТУТАШДИ

**Пойтахтдаги «Туркистон» саройида «Ўзбекистонда Корея маданияти кунлари» доирасида ўзбекистонлик ва кореялик санъат усталарининг концерти бўлиб ўтди.**

— Санъат чегара билмайди, — деди Ўзбекистондаги Кореянинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ким Сон Хван «Туркистон-пресс» мухбирига. — У эллар ва элатларни бирлаштиради. Қалбларга ўзгача завқ бағишлайди. Мусиқа кишилар қалбига меҳр-муҳаббат ва эзгулик туйғуларини олиб киради.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек ва корейс халқлари ўртасида азалдан дўстлик мавжуддир. Ушбу концертда ўзбекистонликлар корейс халқининг миллий рақс ва мусиқасини тинглашди. Кореяда машҳур «Самулнори» халқ ансамбли ижросидаги замонавий камер мусиқаси, дэгим самжо миллий асбобларида ижро этилган куйлар ва сальпури халқ рақси, Феруза Абдураҳмонова бошчилигидаги «Сўғдиёна» халқ чолғу асбоблари оркестри ижросидаги куйлар томошабинларни ҳайратга солди.

**«Туркистон-пресс»**

*Футбол*

## Ғалаба келтирган ягона гол

Мамлакат XII миллий чемпионатининг 24-тур беллашувлари «Пахтакор» футбол мухлислари кўнглини яна шод этди. Чунки ўз майдонида Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси билан куч синашган. «Пахтакор» футболчилари ҳужумкор, кескин курашларга бой кечган учрашувда меҳмонларни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, муҳим 3 очкога эга бўлишди. «Пахтакор»чиларга ғалаба келтирган ягона голни рақиблар дарвозасига иқтидорли ёш ҳужумчи Марат Бикмаев йўллади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди. «Металлург» — «Насаф» 1:1, «Қизилқум» — «Бухоро» 2:0, «Гулистон» — «Андижон» 1:0, «Машъал» — «Қўқон-1912» 3:2, «Дўстлик» — «Нефтчи» 1:3, «Сурхон» — «Трактор» 3:1, «Цементчи» — «Самарқанд-Динамо» 2:2.

Навбатдаги 25-тур баҳслари 27 сентябрда ўтказилади.

**(Ўз мухбиримиз).**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Имомназаров Отабек номига берилган № 62298 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Гаппаров Абдурауф Тухтамуродович номига берилган № 6922361 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади.**

1. "Иж-2715" автомобили,1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AQ 806, бошланғич нархи 400 000 сўм, техник носоз,
2. "ГАЗ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AE 558, бошланғич нархи 1 950 000 сўм,
3. "ДЭУ-Супер салон" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AR 494, бошланғич нархи 8 020 600 сўм, техник соз;
4. "ДЭУ-Эсперо" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 09-51 THC, бошланғич нархи 3 734 310 сўм, техник носоз;
5. "Нексия GLE" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 210, бошланғич нархи 4 300 654 сўм, техник носоз;
6. "Дамас"- автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AC 238, бошланғич нархи 1 529 222 сўм, техник носоз;
7. "Шевролет-Астро" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AJ 406, бошланғич нархи 5 000 000 сўм, техник носоз;
8. "Ваз-2106" автомобили, 1997 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 B 93-05, бошланғич нархи 1 000 000 сўм, техник носоз:
9. «ГАЗ-5201» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AK 985, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
10. «ГАЗ-52» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
11. "Газ-52" автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 Д 58-32, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;
12. «Газ-52» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 718, бошланғич нархи 750 000 сўм,
13. «Газ-53» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 717, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;
14. «Газ-5204» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 AP 419, бошланғич нархи 250 000 сўм, техник носоз;
15. «Авиа-А-31» автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 63-94 ТНП, бошланғич нархи 1 300 000 сўм, техник носоз;
16. "Мерседес-Бенц" юк автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами йўқ, бошланғич нархи 700 000 сўм,
17. "КАВЗ-664" автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АД 209, бошланғич нархи 200 000 сўм, техник носоз;
18. «Камаз-432500» юк автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 62-61 ТНП, бошланғич нархи 2 858 350 сўм, техник носоз;

Ушбу автотранспорт воситаларининг кимошди савдоси 2003 йил 24 сентябрь куни соат 15-00 да, 27 сентябрь куни соат 12-00да суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шахри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй 2-қават.**

**Маълумот учун телефонлар: 41-16-38, 144-54-08, 144-88-01.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-707. 2 3 4 5 6